



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz, Индекс: 231100

« 31 » - март 2021 j.

01-01/4- 189 - sanli

Хўжайли тумани, “Тынышлық”
МФЙ, Темир йўл кўчаси, 110 уйда
яшовчи фуқаро И.Шерниязовқа

Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Халқ
таълими вазирлигига

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Ўзбекистон Республикаси Президентига веб-сайт орқали қилган мурожаатингиз тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан қўйдагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги “Халқ таълими тизимидаги таълим муассаларида бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) ҳақида вазирликнинг расмий веб-сайти орқали эълон бериш тизimini жорий этиш тўғрисидаги”ги 20-сонли буйруғи асосида Хўжайли тумани халқ таълими бўлимига қарашли 29-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бўш (вакант) лавозимидаги xt.uzedu.uz сайти орқали очик мустақил танлов эълон қилинди.

Танлов натижасига кўра, Хўжайли тумани халқ таълими бўлимининг 2021 йил 4 февральдаги 04/1-183-сонли хати асосида вазирликка 4 нафар номзод тавсия этилди.

Номзодларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 7 декабрьдаги 393-сонли буйруғи билан тасдиқланган малака талабларига мослиги ўрганиб чиқилиб, тегишли тартибда суҳбатдан ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги вакант лавозимларга очик мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодлар билан суҳбат ўтказиб, суҳбат жараёнида номзодларга оддий ва бир хил саволлар (таълим тўғрисидаги фармон ва қарорлар, таълим турлари ҳамда устувор йўналишлар, Президентимиз томонидан халқ таълими соҳасини ривожлантиришга оид қабул қилинган охириги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар тўғрисида) берилди. Берган жавоблардан келиб чиқиб, суҳбатдан ўтган ва лойиқ деб топилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 25 декабрьдаги “Умумтаълим муассасалари директори лавозимидаги номзодларни тавсия этиш ва иш берувчининг ташаббусига кўра лавозимидан озод этиш юзасидан таклиф киритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 325-сонли буйруғига асосланиб Халқ депутатлари Хўжайли туман кенгашига тавсия этилганлигини маълум қилади.

Сизга, мурожаатингизга берган жавоб хатидан қаноатлантириш ҳосил қилмаган тақдирда юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқингиз бор эканлиги ташуунтирилади.

Иккинчи манзилга: Маълумот учун.

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири

Р.Реимов